

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
27 ДЕКАБРЬ,
ШАНБА

Mahalla

№104
(2328)

МАХСУС СОН

WWW.UZMAHALLA.UZ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ



Ассалому алайкум, азиз
юртдошлар!
Хурматли депутат ва
сенаторлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Бугун Олий Мажлиси ва кўп

миллатли халқимизга келгуси йил
учун Мурожаатномани тақдим
этар эканман, аввало, барчан-
гизни соф-саломат, кўтаринки
кайфиятда кўриб турганимдан
хурсандман.

Сўнги тўққиз йилда биз
сизлар билан, эл-юртимиз билан
биргаликда катта тараққиёт йўли-
ни босиб ўтдик. Иқтисодиётимиз
янгидан шаклланди, бозор муно-
сабатларини, ижтимоий ҳимояни

кенгайттирдик, қонун устуворлиги-
ни мустаҳкамладик. Энг муҳими,
ислохотларимиз самарасини ҳар
бир маҳалла, ҳар бир хонадон ва
ҳар бир инсон кундалик ҳаётида
ҳис қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, биз
ислохотларни аниқ амалий на-
тижага айлантиришни ўргандик.
Бунинг тасдиғини тобора янгича
қиёфа касб этиб бораётган шаҳар
ва қишлоқларимизда, замонавий
корхоналар, савдо-сервис маскан-
лари, мактаб, боғча ва шифохона-
лар, обод кўча ва маҳаллалар,
транспорт-логистика тизими,
рақамли хизматлар мисолида
яққол кўриш мумкин.

Қадрли ватандошлар!
Бугунги кунда дунёда содир
бўлаётган ва яқин-яқингача
ҳеч ким тасаввур қила олмаган
ўзгаришлар, давлатлар ўртасида
иқтисодий қарама-қаршилик,
хавфсизликка таҳдидлар ортиб
бораётган таҳликали бир вазиятда
сизлар билан ўта мураккаб йилни
яқунлаяпмиз.

Қанчалик оғир бўлмасин,
бошлаган демократик ислохотла-
римизни қатъий давом эттиргани-
миз; халқимизнинг қўллаб-қувват-
лаши ва ёшларимизнинг ғайрат-
шижоати; ҳамжиҳатлик асоси
бўлган маҳалланинг ҳаётимиздаги
ўрни ва таъсирини кучайтирган-
имиз; одамларимизнинг онги
ва дунёқарашини ўзгартриб,
эл-юртимизни янада жипслашти-
ганимиз; тадбиркор, деҳқон ва
фермерларимизнинг ташаббус-
корлиги ва мардона меҳнати;

ўзаро манфаатли ҳамкорликка
асосланган дўстона ташқи сиё-
сатимиз ҳисобига 2025 йилда
барча соҳаларда улкан ютуқларга
эришдик.

Аввало, жаҳон миқёсида
ишлаб чиқариш ва транспорт-
логистика занжирлари узилган,
хомашё ва молиявий ресурслар
нархи ошган шароитда ҳам мам-
лакатимиз иқтисодиёти ишончли
ва барқарор ўсишда давом этаёт-
ганини қайд этиш лозим.

Бу натижалар дунё ҳам-
jamiyati ва нуфузли халқаро
ташкilotлар томонидан эътироф
этилмоқда.

Эътибор беринг, бундан тўққиз
йил олдин иқтисодиётимиз
ҳажмини 100 миллиард доллар-
га етказиш биз учун жуда катта
марра бўлиб кўринарди. Бу йил
тарихимизда биринчи марта ялпи
ички маҳсулотимиз 145 миллиард
доллардан ошди. Бундай юксак
натижалар халқимизнинг, барча-
мизнинг қандай улкан ишларга
қодир эканимизни яққол намоён
этмоқда.

Глобал савдо тизимида “ўйин
қоидалари” ўзгараётган бир
пайтда биз бу йил экспортимизни
23 фоизга ошириб, 33,4 миллиард
долларга етказамиз. Энг муҳими,
ислохотларимиз учун мустаҳкам
молиявий база бўладиган олтин-
валюта заҳираларимиз илк бор
60 миллиард доллардан ошди.

Бу йил иқтисодиётимизга жалб
қилинган хорижий инвестициялар
ҳажми 43,1 миллиард долларга
етди. Жами инвестицияларнинг
ялпи ички маҳсулотдаги улуши

31,9 фоизни ташкил этмоқда.
Бу эса иқтисодиётимиз келгуси
йилларда ҳам юқори суръатлар
билан барқарор ўсиб бориши
учун замин бўлади.

Ўзбекистоннинг халқаро май-
дондаги обрў-эътибори ва нуфузи,
халқаро рейтинглардаги ўрни то-
бора мустаҳкамланиб бормоқда.
Хусусан, етакчи халқаро рейтинг
агентликлари мамлакатимизнинг
суверен рейтингини “ВВ-”дан “ВВ”
поғонасига кўтарди.

Бу гаплар кўпчиликка оддий
бир факт бўлиб тутилиши мумкин.
Лекин иқтисодчилар, инвестор
ва банкирлар гап нақадар катта
натижалар ҳақида бораётгани-
ни жуда яхши тушуниб турибди.
Биргина ана шу ўзгариш туфайли
четдан жалб қилинадиган ресурс-
ларнинг фоиз ставкаси 1-1,5 пун-
кта пасайиб, ташқи қарз хаража-
ти йилга камида 300 миллион
долларга камаяди.

Шунингдек, Жаҳон банки
эълон қилиб борадиган Давлат-
ларнинг технологик етуқлик
индексида Ўзбекистон 71 поғона
юқори кўтарилиб, дунёнинг топ-
10 та мамлақати қаторидан жой
олди.

Аҳоли фаровонлиги ва бизнес-
ни ўстиришга хизмат қиладиган
инфратузилмани янада яхши-
лаш бўйича ҳам 2025 йил катта
ўзгаришлар йили бўлди. Хусусан,
энергетика соҳасида туб бури-
лиш ясаганимиз ҳисобига электр
ишлаб чиқариш ҳажмини 85 мил-
лиард киловатт-соатга етказдик.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

Ягона ва улуг ғоя бор, бу — Ватан ва халқ манфаати!

Маҳалла, бу — фақатгина ўзини ўзи бошқариш тизими эмас,
балки халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ҳамжиҳатлик,
ўзаро ёрдам ва бирдамлик мактабидир.

6-саҳифада.

Энг катта ютуқлар энг кичик зарраларда акс этади

Агар “еттилик” вакиллари манзилли ишласа, ҳар бир фуқаронинг
муаммоси устида алоҳида бош қотирса, кўплаб муаммолар ўз-
ўзидан ечими топиб бораверади.

9-саҳифада.

Маҳаллада яшамоқлик катта масъулият ва ишончга айланиб бораётир

Бир йиллик сарҳисобни бир қоғозга жамлаб бўлмайди.
Асосийси, “маҳалла еттилиги” тизими аҳоли фаровонлигини
юксалтириш, одамларни ҳаётдан рози қилишга хизмат қилаётир.

19-саҳифада.

НУРҚАЙ НАЗАР



ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ, БУ — КЕЛАЖАККА ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИДИР

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида
тарихий воқеалардан бири — Президентимиз
Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва кўп миллатли
халқимизга Мурожаатномаси юртимиз бўйлаб кенг
жамоатчилик эътибор марказида бўлди.

Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси масъуллари,
ҳудудий бошқармалар, маҳал-
лий бўлимлар мутасаддилари
Мурожаатномани Республика,

вилоят, шаҳар ва туманларда
ташкил этилган студиялар орқа-
ли тўғридан-тўғри катта қизиқиш
билан кузатди. Янги Ўзбекистон
тараққиётининг янги босқичини
белгилаб берган, чуқур таҳлил
ва аниқ стратегик мақсадларга

асосланган дастурий ҳужжат
мазмун-моҳиятидан бевосита
жонли эфирда воқиф бўлишди.

Аслида, Президент Мурожа-
атномаси, бу — фақат йиллик
ҳисобот ёки режалар мажмуаси
эмас, балки жамиятнинг маънавий
жиҳатдан сафарбар қиладиган,
келажакка ишонч ва масъулият
туйғусини мустаҳкамлайдиган
даъватдир. Ушбу тарихий нутқ
мамлакатимизда амалга оши-
рилаётган ислохотлар инсон
манфаатларига йўналтирилган-
лини, айниқса, маҳалла тизими-
нинг жамият ҳаётидаги ўрни ва

аҳамияти тобора ошиб бораётган-
лини яна бир бор яққол намоён
этди.

Фурсатдан фойдаланиб,
Ўзбекистон маҳаллалари уюш-
масининг ҳудудий бошқармалари
бошлиқларининг Мурожаатно-
мада белгиланган вазифалар,
олдимизда турган долзарб
масалаларга оид фикрларига
қулоқ тутдик. Қорақалпоғистон
Республикаси, Тошкент шаҳри
ва вилоятлар маҳаллаларидаги
ўзгаришларга назар ташладик.

Давоми 6-19-саҳифаларда.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

“Mahalla” газетаси ва
“Mahalla ko'zgusi” журнаliga
2026 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

УНУТМАНГ, КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ СИЗНИ
МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИГА ОИД ТАҲЛИЛИЙ, ИЛҒОР
ТАЖРИБАЛАРГА БОЙ МАҚОЛАЛАР, ХОЛИС ВА
ТЕЗҚОР АХБОРОТ, ҚИЗИҚАРЛИ ХАБАРЛАР КУТАДИ!

ҲУРМАТЛИ РАИС, СИЗ СЕВИМЛИ
НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗИМИЗ!

ШОШИЛИНГ!
МАҲАЛЛАНИ
“Mahalla”СИЗ
ТАСАВВУР ЭТИШ
ҚИЙИН...

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
71 233-39-89, 71 233-10-92





2028 йил
1 январдан божхона
соҳасидаги қонунчилик
талабларини бузганлик
учун МОЛИЯВИЙ
ЖАРИМАЛАРНИ
ҚЎЛЛАШ тартиби
жорий этилади.



Ҳукумат
қарорига кўра,
кўп функционал
ИНКЛЮЗИВ-РЕСУРС
МАКТАБЛАРИ
ташкил этилади.



Ташкилотларда
МЕҲНАТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ХИЗМАТИ фаолияти
ташкил этилади.

Халққа ҳолис хизмат билан ҳурмат тошмоқлик бахтдир

ЛАВҲА

Қўни-қўшнининг бир-биридан хабар олиши, яхши-ёмон кунда елкадош бўлиши асрлар оша давом этиб келаётган анъаналаримиздан бири саналади. Айниқса, фарзандлар тарбиясида бу ёндашувнинг аҳамияти жуда катта. “Бир болага етти қўшни ота-она”, деган нақл бежизга айтилмаган.

ҚЎШНИЛАР ҚЎЛ ҚОВУШТИРИБ ЎТИРИШМАЙДИ

Даврон ҲОЛИҚОВ,
Миробод туманидаги “Олтинқўл” маҳалласи раиси.

Бизнинг маҳаллаимизда ҳам, асосан, туб аҳоли вакиллари истиқомат қилади. Қўпчилиги шу ерда туғилиб, вояга етган. Шу боис ҳамма бир-бировини яхши танийди. Қандай юмуши бўлса қўл қоқишиб юборишга ошиқади. Уй кўтариш, таъмирлаш каби ишларни ҳашар йўли орқали ҳал қилишга одатланишган. Ўзаро ҳамжиҳатлик ва аҳиллик устун бўлган ерда эса қут-барака ва тўкин-сочинлик ҳукм суради.

Айни вақтда ҳудудимизда 4 633 нафар фуқаро истиқомат қилиб, уларнинг кўпчилиги давлат ташкилотларида фаолият олиб боришади. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик ортидан даромад топаётганлар ҳам анчагина. Энг муҳими, одамларимиз меҳнат қиляпти. Ўз оиласи, маҳалласи ва жамият равангаи йўлида изланишлардан толмаяпти.



Миродилла Шокиров — 25 йиллик хунарманд. Ганж ўймакорлиги йўналишида унинг олдига тушадигани йўқ. Турли хомашёлардан ишланган нақшлари хонадонларга ўзгача кўриниш ва саловат бағишлайди. Устанинг 10 нафардан ортиқ шогирди хунар ўрганиш баробарида буюртмаларини аёло даражада адо этиш учун кўмаклашади. Миродилла таянган йўналиши ортидан даромад топяпти, одамларнинг дуосини оляпти, ёшларнинг бандлигига кўмаклашяпти ҳамда дунё кўряпти. Шу боис ҳам ишига бошқача меҳр қўйган. Доим ўз устида ишлаб, янгидан-янги ғояларни амалга оширишга ҳаракат қилади.

Фаолиятимиз давомда ижтимоий ҳимоя масаласига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Йил бошида “Камбағал оилалар реестри”га киритилган 48 та хонадон билан манзилли ишлаш натижасида уларнинг барчасини рўйхатдан чиқаришга эришдик. Жумладан, онаси ва икки нафар фарзанди билан яшаётган аёлнинг бандлигини таъминлаш учун субсидия асосида печь ҳамда музлатгич берилди. Шундан кейин у уйда турли қандолат маҳсулотлари тайёрлаб, даромад топишни бошлади. Бундай мисоллар жуда кўп. Халқимизнинг тинч-осойишта, тўкин-сочин ҳаёт кечириши фаолиятимизнинг бош мезонига айланган. Бу йўлда қандай қийинчилик ва тўсиққа дуч келмайлик, мардонвор енгиб ўтишга ҳаракат қиляпмиз.

“Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади. Айнан маҳалладаги йўл, сув, электр ва транспорт таъминоти, боғча, мактаб ва оилавий поликлиникадаги шарт-шароитларга қараб, одамлар ислохотларимизга баҳо беради”.



Худудларнинг иктисослашуви ўрганилиб, янги ўсиш “драйвер”лари аниқланди. Шунга мувофиқ, маҳаллаларни ишсизлик ҳамда камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида “Сайхунобод”, “Уйчи”, “Дилбулоқ” тажрибалари амалга татбиқ этилди. Натижада “Омбор дафтари”га киритилган жами 79 минг 588 нафар ишсиз фуқаронинг (95 фоиз) бандлиги таъминланди.

Фурқатхўжа МАҲМУДУЎЖАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Тошкент шаҳар бошқармаси
бошлиғи.

Президентимизнинг Мурожаатномада билдирган мазкур мулоҳазалардан англаш мумкинки, маҳалла бугун ислохотлар марказига айланди. Келгуси йилда маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўм вилоятларнинг ўзига берилиш натижадорлигининг ошишига хизмат қилиши аниқ. Бу пуллар маҳаллада иш ўрни яратадиган, аҳолини даромадли қиладиган аниқ лойиҳаларга йўналтирилиши эса тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлганлар учун янги имконият эшикларини очади. Зеро, бу тадбирлар бошланган ишларнинг мантикий давоми сифатида ҳудудларни ривожлантириш ва аҳоли турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилади.

Бугун шаҳримизнинг қайси маҳалласига борманг, қизгин иш жараёни ҳамда катта ўзгаришларга гувоҳ бўласиз. Худуд инфратузилмасини яхшилашдан тортиб, аҳоли муаммолари билан ишлашгача аниқ режалар тузиб чиқилган. “Еттилик” вакиллари бир ёқадан бош чиқариб, натижа сари илдам одимлаётгани эса эртанги кунга бўлган ишончимизни янада оширади. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича Тошкент шаҳрининг бешта туманидан иккитадан маҳалла танлаб олинди. Хусусан, “Забардаст”, “Гулбоғ”, “Чингелди”, “Иқтидор”, “Кенг макон”, “Эшонбулоқ”, “Чортоқ”, “Жалоир”, “Жарбоши” ҳамда “Ташисти” маҳаллалари Тошкент вилояти ҳудудидан Тошкент шаҳрига ўтказилган. Шу боис бу ерда томорқа ерларини суғоришни яхшилаш, электр энергиясини барқарор етказиб берилишини таъминлаш, интернет сифатини ошириш, ички йўллари таъмирлаш ва аҳоли турмуш шарт-шароитини яхшилаш, тадбиркорликни

ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Танлаб олинган маҳаллаларга Республика бюджетидан жами 32,3 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Аҳолининг билим даражасини ошириш, биринчи навбатда, уларнинг қалбидан китобга меҳр уйғотишдан бошланади. Шу мақсадда турли ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мунтазам равишда “Камроқ гапиринг, кўпроқ ўқинг” лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Ушбу лойиҳа асосида бугунги кунга қадар жаҳон ва ўзбек адабларининг 30 тадан кўпроқ энг сара асарлари ўқувчиларга ҳавола қилинди. Таҳлил ва муҳокамалардан керакли хулосалар чиқарилди. Кўриб турганингиздек, олдимизда қилиниши керак бўлган ишлар жуда кўп. Натижалар яхшиланиб боргани сари яна янгидан-янги масалалар устида бош қотиришга тўғри келади. Бунинг барчаси халқнинг фаровон турмуш кечириши, ўз ҳаётидан рози бўлиши учун қаратилгани эса зиммамиздаги масъулиятни янада оширади.

БИР НАЗАР

“Ҳаёт мактаби” асли шу маскандан бошланади

Бундан беш йил аввал ҳаётимдаги энг муҳим қарорни қабул қилдим. Таълим соҳасидаги йигирма уч йиллик фаолиятимга нуқта қўйиб, маҳалла тизимида иш бошладим. Бу ҳаётимда катта бурилиш ясади.

Гулчеҳра АҲМЕДОВА,
Мирзо Улуғбек туманидаги
“Алишеробод” маҳалласи раиси.

Одамларга янада яқинлашиб, кўплаб ҳақиқатларни теранроқ англай бошладим. Қалбимдаги шукроналик кайфияти кучайди. Атрофимдаги ёрдамга муҳтож кишиларга кўмаклашиш асносида кўпроқ билим ва малака эгаллашим кераклигини тушуна бошладим. Ёнимга турли масалаларда маслаҳат сўраб келадиётганлар учун муносиб жавоб қайтариш мақсадида ўқиб-изланишга киришдим.

Аслида, маҳалла раислиги оддий лавозим эмас. У халқ мурожаат қилиши мумкин бўлган барча соҳалардан хабардор бўлиши талаб этилади. Камбағалликни бартараф этиш, ишсизларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, жиноятчи-



ликка қарши куришиш, ёшлар тарбияси каби масалаларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаслиги зарур. Бундан ташқари, маҳалла раисидан “еттилик”нинг барча йўналишлари бўйича пухта билим эгаллаши талаб этилади. Шундагина уларга зарурий топшириқларни бера олади, натижани муносиб тарзда талаб қилади. Ҳамкасбларини ортидан эргаштириб, бир мақсад сари яқдил одимлайди. Биз ҳам фаолиятимизни шу мезон асосида ташкил этишга ҳаракат қиляпмиз. Уринишларимиз натижаси ўлароқ, бир йилда жиноятчилик кўрсаткичлари бўйича “қизил”дан “яшил” ҳудудга айландик. Ишсизларимиз деярли қолмади. Уйда фарзанд тарбияси билан банд бўлган аёлларни ўзини ўзи банд қилиш тоифасига ўтказяпмиз. Қизиқишга қараб, касб-хунарга ўқитяпмиз.

ТАНЛОВ

ОИЛАДА ИБРАТЛИ, ТАРБИЯДА ТАШАББУСКОР

Пойтахтимизда “Йил аёли” миллий танлови ҳамда “Энг намунали хотин-қизлар фаоли” танловининг Республика босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги масъуллари, танловларнинг Республика босқичига йўл олган Тошкент шаҳар вакиллари, маҳалла хотин-қизлар фаоллари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

“Йил аёли” миллий танловининг Республика босқичида “Йилнинг энг фаол олима аёли” номинацияси бўйича Тошкент шаҳридан иштирок этган Камола Муҳитдинова ғолиб деб топилди. Шунингдек, Мирзо Улуғбек туманидаги “Турон” маҳалласи хотин-қизлар фаоли Зебинисо Маҳмудова “Энг намунали хотин-қизлар фаоли” танловининг Республика босқичида “Ибратли оила, тарбия ташаббускори” номинациясида олий ўринга муносиб кўрилди.

Ғолиб ва совриндорлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.




Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА
тайёрлади.



“Меҳрли оила” хизматига жалб қилинган ота-оналарга “ОИЛАВИЙ ТЕРАПИЯ” ХИЗМАТЛАРИ бепул кўрсатилади.



2026 йил 1 январдан “БЮРОКРАТИЯНИ БАРТАРАФ ЭТИШ — 2030” ДАСТУРИ ишга туширилади.



2026 йил 1 январдан АҚШ фуқаролари учун Ўзбекистон ҳудудига кирган кундан бошлаб 30 КУНГАЧА МУДДАТГА ВИЗАСИЗ ТАРТИБ белгиланади.

10

№104 — МАХСУС СОН | 2025 ЙИЛ 27 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

Mahalla

2026 ЙИЛ — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

Сайёҳлик ривожини — биз учун энг муҳим “драйвер”

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси сифатида 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши Янги Ўзбекистон тараққиётида янги даврни бошлаб беради.



Бахтиёр СОАТОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи.

Мурожаатномада алоҳида таъкидланганидек, маҳалла — бу фақат маъмурий ҳудуд эмас, балки асрлар давомида шаклланган миллий қадриятлар, яхши қўшничилик, ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлик мактабидир. Шу боис маҳалла тизимини янада мустаҳкамлаш, бу — нафақат ижтимоий, балки стратегик вазифадир. Ушбу вазифаларни чуқур англаган ҳолда, халқ ишончини оқлаш ва Президент



белгилаб берган юксак марраларга эришиш учун барча имкониятларни сафарбар этиш, биз — маҳалла тизими ходимларига катта масъулият юклайди.

Жиззах вилоятидаги аксарият маҳаллалар туризмга ихтисослашиб бормоқда. Бу

эса бир қатор муаммоларга тезкор ечим топишни талаб этади. Мурожаатномада ана шу каби масалалар ҳам қамраб олингани ғоят фойдали бўлди. Мисол учун, аҳоли даромади, хорижий сайёҳлар оқими тобора ортиб бораётгани келгуси беш



Маҳалла тизимидаги чора-тадбирлар янги 2026 йилда ҳам давом этади. Бу йўлда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларимиз аҳоли манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган.

Умуман олганда, Мурожаатнома халқ фаровонлигини ошириш, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва Янги Ўзбекистонни барқарор тараққий этган, рақобатбардош давлатга айлантиришга қаратилган аниқ режа ва устувор вазифаларни ўз ичига олгани билан тарихий аҳамиятга эга.

ТАШАББУС

ХОТИРЖАМ ЯШАшлиКНИНГ СИРИ НИМАДА?

Инсон қачон ўзини хотиржам ҳис этади? Қачонки, оиласини ҳар томонлама таъминлай олса, фарзандлари бошқалардан кам бўлмай улғаяётганини кўрса, кўнгли тинч бўлади. Бундай фаровонликка эришишнинг бирдан-бир йўли — аввало, уларни иш билан таъминлаш. Шу сабабли маҳалламизда бу масалага жиддий эътибор берилаяпти.



Умида ХУШВАҚТОВА, Дўстлик туманидаги “Чинобод” маҳалласи раиси.

Айниқса, узок йиллар давомида қаровсиз қолган соҳил бўйларида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожлантирилмоқда. Масалан, икки километрли кўча инфратузилмаси тўздан яхшиланди ва куну тун фаолият юритувчи ҳудудга айлантирилди. Натижалар самарали бўлгани учун ҳудудга қўшимча 10 миллиард сўм ажратилиб, дарё бўйи ободонлаштирилди. Пиёдалар учун йўлакларга махсус қопламалар ётқизилди. 10 та хизмат кўрсатиш объекти қурилиб, 50 та иш ўрни яратилди. Умумий тарзда 130 та тадбиркор фаолият бошлагани ҳисобига 700 нафар киши иш билан таъминланди.



Маҳалланинг 16 та кўчасида инфратузилма тўлиқ янгиланди. Кўп қаватли уйлар куз-киш мавсумига шай. Ҳар бир кўча обод ва кўркем қиёфага кирди. 73 та кўп қаватли уйларнинг барчасига кузатув камераси ўрнатилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ҳаракатлар натижасида 62 нафар ишсиз фуқаро ишли бўлди. Тадбиркорлар сафи кенгайди. Мисол учун, “Мусурмон Абдурахмон” масъулияти чекланган жамияти қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйди. Бу ерда 5 та иш ўрни яратилди.

“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 2 нафар фуқарога 66 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бундан ташқари, меҳнат миграциясидан қайтган 2 нафар фуқарога қўмаклашилди.



Бир сўз билан айтганда, бугун маҳалламиз нафақат маъмурий бирлик, балки фуқароларнинг фикри, ташаббуси ва манфаатларини давлат сиёсатида бoғлайдиган кўприкка айланди.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЁШЛАР УЧУН СПОРТ МАЙДОНЧАСИ ҚУРИБ БЕРИЛДИ

Шароф Рашидов туманидаги “Ғозонтепа” маҳалласи аҳолиси, айниқса, ёшлар янги 2026 йилни кўтаринки кайфиятда кутиб олишмоқда. Боиси ҳудудда “Ташаббус спорт” лойиҳаси доирасида “Street Workout” спорт майдончаси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.



— Ушбу лойиҳа ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, бўш вақтнинг мазмунли ташкил этиш ва спорт соҳасидаги ютуқларни янада кўпайтиришга хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси Шароф Рашидов тумани бўлими бошлиғи Бахтиёр Худойбердиев. — Янги майдонча фойдаланишга топширилиши билан маҳалла ёшлари учун яна бир муҳим ютуқ қўлга киритилди. Эндиликда улар замонaviй шароитда спорт билан шуғулланиш, мусобақаларда юқори натижаларга эришиш имкониятига эга бўлишди.

Мазкур спорт майдони соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маҳалладошлар ўртасида жипслик ва фаол ҳаёт тарзини шакллантиришда муҳим восита бўлади. Шу билан бирга, келгусида янги чемпионлар етишиб чиқишига ҳам мустаҳкам замин яратаяди.

“Mahalla” аралашгач, 30 йиллик орзу ушалди

Биламизки, кенг қамровли ишларни амалга оширишда маҳалла раисининг салоҳиятига эҳтиёж бор. Раис жонкуяр бўлса, ўша маҳалла боғу бўстонга айланади. Аҳоли турмушига файзу барака кирди. Тадбиркор ва ташаббускор одамлар сафи кенгайди.

Фуркат САРИМСОҚОВ, Зарбдор туманидаги “Янгикент” маҳалласи раиси.

Шу сабабли аҳоли орасида маънавий барқарорлиқни сақлаш, тадбиркорларга қўмаклашиш, ҳудуд ободлиги, оилалар тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож оилалар ҳолидан хабардор бўлиш, қўйингки, барча масалалар эътиборимда.



Ҳудудни ободонлаштириш бўладими, қамбағалликни қисқартиришми, барча масалалар бирин-кетин ҳал бўлмоқда. Мисол учун, бандликни таъминлаш орқали ишсизлик ва қамбағалликдан, жиноятчиликдан холи ҳудудга айландик. Боқувчиси йўқ Зилола Бердиевага “еттилик” тавсияси билан имтиёзли кредит ҳисобидан иссиқхона қуриб берилди. Яна бир эҳтиёжманд оила вакиласи Гулноза Тоғаева ҳам иссиқхонада ўзини ўзи банд қилди. Бундан ташқари, 39 нафар ёшларга 50 сотихдан ер ажратилди. Бу ерда полиз маҳсулотлари парваришланаяпти. Барча йигит-қизлар мулкдор сифатида даромадга кирди.



Ҳудудда натижаларни янада яхшилаш учун томорқадан самарали фойдаланишга сизот сувни тортиш имконияти йўқ эди. Ер шўрлаб кетарди. Деҳқончилик қилиш, мевали дарахтлар ўстириш имконсиз. Яқинда бу муаммо ечимини бўйича газетанда таклиф билдирган эдик. Тез фурсат ичида масъуллар эътибор қаратди. Таҳририят қўмағи ва “еттилик” ташаббуси билан аҳолининг 30 йиллик орзуси ушалди. Натижада томорқадан фойдаланиш қаррасига ортди.



ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ:
Ўзбекистонда интеграциялашган АЭС 2035 йилда тўлиқ қувватда ишга туширилади.



ЎЗБЕКИСТОН – ИТАЛИЯ:
Стратегик ҳамкорликни ҳудудлар даражасида кенгайтириш бўйича келишувларга эришилди.



2025 йилнинг 11 ойида 1,6 тоннадан ортиқ гиёҳвандлик воситаларининг НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ.

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ОДАМЛАРНИНГ ҲАМ, ЖАМИЯТНИНГ ҲАМ ТАҚДИРИНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Мурожаатномаси мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини белгилаб берди.



Йўғун ҲОТАМОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи.



Мурожаатнома мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсон манфаатларига йўналтирилганини, айниқса, маҳалла тизимининг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бораётганини яна бир бор яққол намоён этди.

2026 йил – “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”, деб эълон қилиниши чуқур сиёсий ва ижтимоий маънога эга. Бу қарор маҳаллага бўлган эътиборни янги босқичга олиб чиқиб, уни маънавият, тарбия, ҳамжихатлик ва тараққиёт марказига айлантиришга қаратилган, дейиш мумкин. Масалан,

аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, иқтисодиётда энг катта талаб яратадиган уй-жой ипотекасига 2026 йилда 23 триллион сўм ресурс ажратилиши, уй-жой сотиб олишда бошланғич тўлов ва фойз тўловларининг бир қисmini қоплаш учун 2 триллион 700 миллиард сўм субсидия берилиши кўплаб оилалар учун қувонч келтиришига шубҳа йўқ. Шунингдек, битта квартира учун ажратиладиган имтиёзли ипотека кредитининг миқдори 15 фойзга оширилмоқда. Шубҳасиз, мана шу каби вазифаларни тўлақонли амалга оширишда маҳалланинг ўрни алоҳида. Шунинг учун бу вазифаларни амалга оширишга доир режаларни белгилаб олдик. Жумладан, Сирдарё вилоятида кейинги йилларда аҳоли сонининг ўсиши иқтисодий барқарорлик, инфратузилма ва ижтимоий хизматлар ривожини талаб этмоқда. Шу мақсадда маҳаллаларнинг янги “ўсиш нуқта”ларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, балиқчилик, боғдорчилик ва узумчиликда янги технологияларнинг жорий этилиши аҳоли даромадининг ўсишига хизмат қилмоқда.



Президентимизнинг вилоятимизга таширларидан кейин ўзгаришлар янги босқичга чиқди. Ҳар бир хонадонда томорқаччилик муҳим даромад манбаига айланди. Аҳоли бир йилда 3 мартагача ҳосил етиштириш тажрибасига эга бўлди. Мисол учун, Бойвот туманидаги “Пахтакор” маҳалласида 51 та иссиқхона ташкил этилган, ички йўллар таъмирланган, оқова сувдан муаммо йўқ. Чорвачилик ва асаларичилик билан шугулланувчилар сони ортиб бормоқда.

ТАЖРИБА, ТАШАББУС, ТАКЛИФ

ИШЛАГАН, ИЗЛАНГАН ДАРОМАД ТОПАДИ, ОИЛАСИНИ БОҚАДИ

Болалигимизда мактабдан эҳтиёжманд, камбағал оила фарзандлари учун бепул кийим-кечак берилар эди. Ўшанда ўқитувчилар синфма-синф кириб, рўйхат тузарди. Лекин аксарият тенгдошларим бу рўйхатга киришдан орланарди. Афсуски, йиллар ўтиб, манзара ўзгарди.



Зуфар АБДУРАҲМОНОВ,
Сардоба туманидаги “Қуйитош” маҳалласи раиси.

Тўрт мучаси соғ, тоғни урса, талқон қиладиган йигитлар ҳам давлатдан ёрдам сўрашга уялмайдиган бўлиб қолди. Халқ қабулхонасига борасизми, сайёр қабулгами, шароити оғирлигини рўқач қилаётганлар кўпчилигини ташкил этади. Уларнинг орасида ҳақиқатан ҳам, тақдир синовини ёки ногиронлиги сабабли кўмакка муҳтож бўлиб қолганлар йўқ эмас. Аммо боқиманда қайфиятга тушиб, таъмагирга айланганлар ҳам топилади.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури айнан шу каби муаммоларни ҳал этиб, ким ҳақиқатдан кўмакка муҳтож ким боқиманда эканини ажратиб олиш имконини берди. Бунинг учун “еттилик” ходимлари уйма-уй юриб, ўтказган хатловда хонадондаги манзара янада аниқлашди. Айниқса, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими иш бошлагани кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ва ногиронлиги бор инсонларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг муносиб турмуш кечиришида муҳим омил бўлмоқда. Энди ижтимоий ҳимоя, моддий ёрдам манзилли тайинланишига эришилмоқда. Ишласа, даромад топадиган, изланса, оиласини боқа оладиган фуқароларга иш, кредит маблағи таклиф қиляпмиз. Натижада маҳалламиз ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айланди.

Рақамларга эътибор қаратсак, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш мақсадида жорий йилнинг ўзида 68 нафар фуқарога имтиёзли кредит ажратдик. Шунингдек, 104 нафар аҳоли доимий ишга жойлаштирилди, 331 нафари ўзини ўзи банд қилди. Яна 29 нафари яқка тартибдаги тадбиркорликка ва 15 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. 2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, маҳаллада 125 та камбағал оила мавжуд эди. Бугун 46 та оиланинг 253 нафар аъзоси рўйхатдан чиқарилди.

Бу натижаларнинг асосида хусусий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳаракати ётибди. Айнан шу йўл билан янги иш ўринлари яратдик. Тадбиркори кўп юрт бой бўлишини маҳалламиз мисолида кўриб турибмиз. Муваффақиятли фаолият юритаётган тадбиркорлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Хатто, қўшни маҳаллалардан ишни жалб этапмиз.

ТАЖРИБА

ИЛДИЗИДА МЕҲНАТ, ШОҲЛАРИДА ОРЗУ, МЕВАСИДА ҲАР ИНСОННИНГ ҲАЛОВАТИ БОР

Маҳалламиз анорчиликка ихтисослашган. Аввал бу соҳа анъана бўлса-да, илм йўқ эди. Кейинги йилларда боғбонлар анор етиштириш ҳадисини олди. Бугун қай бир хонадонга кирманг, ҳосил йиғиш тарадудига тушган. Анор кўплаб хонадон эгалари учун шунчаки мева эмас, балки барака рамзига айланган. Аҳоли “ўсиш нуқта” — анорчиликдан катта даромад топмоқда. Жараёнда “еттилик” уларга кўмак бермоқда.

Тоҳиржон ҚОДИРОВ,
Мирзобод туманидаги “Дехқонобод” маҳалласи раиси.

Зиёдулла Абдуҳолиқов ана шундай уста боғбонлардан. Унинг қўли теккан анорзорда ҳар бир кўчат гуллаб-яшнайдми. Илдизда меҳнат, шохларида орзу, мевасида инсон меҳнатининг тотли самарасини кўриш мумкин. Бу йил нисбатан кўп ҳосил олишга эришилди. Ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан имтиёзли кредит эвазига харид қилинган электроскутер ёрдамида махсулотни бозорга олиб бориш янада осонлашди.



Ўғилрой Тошкентбоевнинг ҳаётида қийин дамлар кўп бўлди. Турмуш ўртоғининг вафотидан кейин тирикчилик тошдан қаттиқ бўлиб кетди. Ёлғиз ўзига рўзғор ғорини тўлдириш осон эмасди. Шу сабабли уни “Камбағал оилалар реестри”га киритдик, қизиқишига кўра, қандолатчиликка ўқитдик. Хунарни бўлгач, янги пишириқ пачи ва бошқа зарур анжомлар тақдим этилди. Натижада тадбиркорга айланиб, рўйхатдан чиқарилди.

Шу кунларда маҳалла аҳолисининг қувончига қувонч қўшилди. Сабаби, уларнинг ташаббуси билан маҳалла биноси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Лойиҳа “Ташаббусли бюджет” доирасида амалга оширилиб, унга 850 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Натижада нафақат маҳалланинг иш фаолиятини самарали ташкил этиш, балки аҳоли мурожаатларини қўлай ва тезкор ҳал қилиш имконияти яратилди.



Яна бир қувончли жиҳат — одамлар энди бир марталик моддий ёрдам камбағалликка ечим эмаслигини тушуниб етди. Шу боис меҳнати ортидан оила камини тўлдиришга интиломоқда. Қаровсиз қолган бирорта томорқа топа олмайсиз.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

УЮШМАНИНГ УЮШГАН КИТОБХОНЛИК МИССИЯСИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Гулистон шаҳар бўлими эзгу ташаббусга қўл урди. Шаҳардаги барча таълим муассасаларида китобхонлиқни тарғиб этишга қаратилган тадбирлар ўтказиш анъанасига айланди.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Ойбек РУСТАМОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Гулистон шаҳар бўлими мутахассиси.

Кунни кеча бўлим томонидан 3-умумтаълим мактаби кутубхонасига 100 донна бадий ва маърифий китоблар жамланмаси совға қилинди. — Ушбу эзгу ташаббус ёш авлодни китобхонликка кенг жалб этиш, уларнинг билим ва дунёқарашини янада бойитишга хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Гулистон шаҳар бўлими бошлиғи Ҳилолжон Жамолов. — Китоб — билим манбаи, маънавият кўзгуси эканини инobatга олсак, бу ҳаракатни яна давом эттирмақчимиз. Кутубхонаси турли мавзудаги адабиётлар билан бойиган мактаб жамоаси ва ўқувчилар жуда хурсанд.

Дарҳақиқат, маҳалла бошлаган бу ташаббусни ҳар бир инсон давом эттирса, таълим даргоҳига китоб совға қилишни одатга айлантирса, мактабларимиз кутубхоналари китобга тўлиб кетади.



Бу масканлар “Яшил ҳудуд” ва боғларга бурканади

ХУШХАБАР

Шу пайтга қадар “оғир” тоифадаги маҳаллалар қаторида бўлган йиғинда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида бунёдкорлик ишлари олиб борилиб, инфратузилма тўлиқ яхшиланди. 15 та кўп қаватли уйларнинг фасад ва томлари, ойна ромлари, кириш йўлаклари, ертўлалар таъмирланди. Жойларда электрон кодли қулфлар ўрнатилди.

“ОҒИР ТОИФА” ДЕГАН СЎЗ ЭНДИ БИЗГА БЕГОНА”

Зулфия ҚОДИРОВА,
Чирчиқ шаҳридаги
“Ёшлик” маҳалла раиси.

Амалга оширилган ишлар аҳолининг турмуш шароитини яхшилаб, ҳудудни янада обод қилди. Янги кутубхона, иккита болалар ва “Workout” майдончаси барпо этилди, спорт анжомлари ва ўриндиқлар ўрнатилди. Гузарда буюк маърифатпарвар олимларнинг ҳикматли сўзлари акс этган 30 та стенд жойлаштирилди, маҳалланинг кириш қисмида арка (стелла) ўрнатилди ва дизайн асосида ландшафтлар ташкил этилди.



Ҳудудда электр тармоқлари яхшиланиб, 20 та тунгй ёриткич ва 17 та видеокузатув қурилмаси ўрнатилди. 12 минг 530 тулп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди. Шу билан бирга, 2 минг 800 метр йўлақлар бетонлаштирилиб, 3 километрдан ортиқ ички йўлга асфальт ётқизилди.

Бундан ташқари, жойларда олти та қудуқ қурилиб, 3 минг 300 метр ирригация тармоқлари ўрнатилиб, суғориш тизими ташкил этилди. Эътиборлиси, “Ёшлик” маҳалласи ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга ҳам айлантирилди.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

Президентимизнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасини биз, Тошкент вилояти аҳли ҳам катта қизиқиш ва ҳаяжон билан эшитдик. Айниқса, 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши барча маҳалладошларимизни бирдек қувонтирди. Бу ташаббус Янги Ўзбекистон тараққиётида янги даврни бошлаб беради.



Фурқат ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Маҳалла – жамиятнинг юзи. Агар маҳалла обод бўлса, бутун мамлакат обод бўлади.

Маҳаллада ўзгариш бўлса, демак, бутун жамият ўзгариши. Бунинг замирида давлат бошқарувини бевоқиф халққа яқинлаштириш, одамларнинг дарду ташвиши билан яшашдек олий масъулият мужассамдир.

Дарҳақиқат, маҳалланинг ободлиги, ундаги тиббий ва экологик муҳитнинг барқарорлиги Янги Ўзбекистоннинг пойдеворини янада бақувват қилади. Мурожаатномада бу масала алоҳида таъкидланиб, экологик барқарорлик ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ижроси маҳалла фаолларининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди. 2026 йилда ҳар бир маҳалла ўзининг “яшил ҳудуди” ва боғларига эга бўлиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш маданияти хонадонлардан бошланиши жамиятни юксалтиришнинг муҳим шартидир. “Маҳаллабай” тизимида экологик назорат кучайтирилиб, ҳудудларни чиқиндилардан тозалаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари умумхалқ ҳаракатига айланади. Бу нафақат табиатни асраш, балки аҳолининг яшаш шароити сифатини тубдан яхшилашга хизмат қилади.

Таҳлилларга кўра, Тошкент вилоятида “Камбағал оилалар реестри”ни шакллантириш мақсадида бугунги кунгача 116 мингта оила сўровномадан ўтказилиб, уларнинг 43 минг 756 таси киритилди. Бу тоифадаги оилаларни камбағалликдан чиқариш мақсадида кўрсатилган индивидуал хизматлар натижасида 14 минг 871 таси камбағалликдан чиқарилди. Пировардида камбағаллик даражаси йил бошидаги 8 фоиздан 3,6 фоизга қискарди.

Маҳаллани чинакам халқчил тузилмага айлантириш фаровон келажак ва юксак тараққиётнинг энг ишончли қафолатидир. Шу боис жорий йил 100 та



“оғир” маҳалланинг суғориш лойиҳалари битказилиши туфайли 23 минг хонадон томорқаларидан самарали фойдаланишга эришилди. Хусусан, Пискент туманидаги “Ғайрат” маҳалласида яшовчи Шўқрулло Мирсоатов томорқасининг 8 сотих ери сув етишмаслиги сабабли йиллар давомида фойдаланилмаган. Бу йил томорқасида гулқарам экиб, 3 тонна ҳосил йиғиб олди. Натижада у 15 миллион сўм даромад кўрди. Такрорий экинга сабои етиштирди.

Асосий мақсадимиз – тадбиркорлик ва саноат лойиҳаларини қўпайтириш, кишлоқ ҳўжалиги, инфратузилма ва туризм соҳаларини ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва уй-жой билан таъминлаш. Шу орқали вилоятни камбағаллик, ишсизлик ва жиноятдан холи ҳудудга айлантиришдир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Маҳалла тизимини ривожлантириш – бу келажакимизни ривожлантириш демакдир”.

Дарҳақиқат, бугун ҳам маҳаллаларда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида кенг қўламдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилипти. Бунинг натижасида маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланиб, аҳолини узоқ йиллардан бўён қийноб келаятган ижтимоий-иқтисодий муаммолар босқичма-босқич ҳал этил-япти.

ЖАРАЁН

ОДАМЛАРДА ШУНДАЙ ИШТИЁҚ УСТУВОР: “ҚИЛСА БЎЛАР ЭКАН-КУ”

Бир пайтлар бу ердан Сирдарё оқиб ўтган. Кейинчалик дарё ўзанини бироз ўзгартирган. Шу боис бу жойда Сирдарёнинг сирли излари қолган, деб маҳаллага “Қолгансир” номи берилган.



Фотима БЕРДИЕВА,
Бекобод туманидаги “Қолгансир” маҳалласи раиси.

Сирдарё бўйида жойлашган маҳалла туман марказидан 35 километр олисда. Йиллар давомида эътибордан четда қолиб, кўплаб муаммолар йиғилиб қолган эди. Сўнгги йилларда “маҳаллабай” ишлаш жараёнида мавжуд муаммолар босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Хусусан, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида учта артезиан қудуғи қазилиб, оқова сув муаммоси ҳал этилди. Яна 12 километр ички кўчалар асфальт қилиниб, 3,2 километр масофадаги эски симёғоллар ўрнига 77 та бетон устун ўрнатилиб, янги симлар тортилди.



Маҳалла “драйвери” – деҳқончилик ва чорвачилик. 336 та хонадон эгаларининг барчаси эрта баҳорда томорқа ерларига картошка ва сабзи экишадди. Иккинчи экинга мош, ловия, фасол экиб, даромад олишадди.

Илғор томорқачилардан бири – Файзулло Бердиев саккиз сотих иссиқхонасида помидор, бодринг, бақлажон, булғор қалампирини экиб, йилига беш марта ҳосил олади. Низом Бобомуродов эса йил ўн икки ой иссиқхонасида турли полиз маҳсулотлари парваришлаб, яхшигина даромад топпапти.

Ҳар бир хонадон товук боқишади. 300 та хонадонда 15 тагача қорамол, 250 та хонадонда 60 тагача қўй бор. Тухум, гўшт, сут, қатик, қаймоқ, сузма ўзларидан. Органини ҳар сешанба қуни қўшни “Қорақўйли” маҳалласида бўладиган бозорга олиб бориб сотишади.

Бўрдоқчилик билан шуғулланаётганлар ҳам бор. Хусусан, Зафаржон Пардаев, Зарба Турсунмуродов каби ёш чорвадорлар 20 тагача буқа боқиб, аҳолини гўшт билан таъминлаяпти.

Қувонарлиси, одамлар “қилса бўлар экан-ку”, деган иштиёқда ҳаракат қилиб, янги йўналишларда иш бошлаяпти. Шу тариқа камбағалликдан чиқяпмиз. Ҳозир “Камбағал оилалар реестри”да 18 нафар фуқаро қолди, ҳолоқ.

БУНЁДКОРЛИК

ФАРОВОНЛАШИБ БОРАЁТГАНМИЗНИНГ ЎЗИ КАТТА БАХТ

Маҳалламизда қисқа фурсатда инфратузилма тубдан яхшиланиб, миллий ва замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган қулай яшаш муҳити яратилди.



Шўқур РУСТАМОВ,
Янгийўл шаҳридаги
“Фаровон” маҳалласи раиси.

Ҳудуддаги 14 та кўп қаватли уйларнинг ташқи кўриниши янгиланди. Уй деворларига миллий қадриятлар, табиатни асраш ва умуминсоний ғояларни акс эттирувчи бадиий суратлар чизилди. Шунингдек, кириш қисмлари замонавий кўринишга келтирилди. Уйлар олдида автотураргоҳлар барпо этилди, ички йўллар таъмирланиб, транспорт ҳаракати учун қулай шароит яратилди.

Яшил ҳудудлар сочини ошириш ва экологик муҳитни яхшилаш мақсадида кўп қаватли уйлар атрофида яшил боғлар ташкил этилди. Уларга замонавий ўриндиқлар ўрнатилиб, манзарали ва мевали ниҳоллар экилди. Айниқса, замонавий талабларга мос мини футбол, волейбол, баскетбол, воркаут ва болалар майдончалари бунёд этилгани кўпчиликни мамнун этди.

Хотин-қизлар учун тадбиркорлик маркази қурилди. Улуғ алломалар, мутафаккир олимлар ва ёзувчиларнинг ибратли сўзлари ҳамда қисқа маълумотлари жойлаштирилган пештахталар ўрнатилди.

Бир сўз билан айтганда, “Фаровон” маҳалласида амалга оширилган маъмур ишлар натижасида ҳудуд қиёфаси тубдан янгиланиб, аҳоли учун қулай, хавфсиз ва замонавий яшаш муҳити яратилди.

Каратэ ва таэквондо бўйича жаҳон чемпионлари **ГУЛШАН АЛИМАРДАНОВА** ва **НАЖМИДДИН ҚОСИМХЎЖАЕВ**га автомобиль берилди.



ФУТБОЛ БЎЙИЧА Ўзбекистон миллий терма жамоаси Дохада ўқув-машғулот йигинини ўтказди.

Дунёнинг 11 та мамлакати клубларида 74 нафар **ЎЗБЕКИ-СТОНЛИК ФУТБОЛЧИ** тўп суради.



20

№104 — МАХСУС СОН | 2025 ЙИЛ 27 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

Mahalla

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” — СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРҒИБОТЧИСИ!”

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИНГИЗ БАРЧАГА МАНЗУР БЎЛСИН!

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

Ўтган сонимизда байрам дастурхонида овқатланишда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар ҳақида маълумот бергандик. Бу гал байрам оқшомида кексалар, ҳомиладор аёллар, болалар қандай овқатланиши кераклигига эътибор қаратамиз.



Кексалар байрам дастурхони атрофида ўтирганда ҳазмини яхшилаш учун олдин суюқ овқат ичганлари маъқул. Шундан сўнг, бошқа таомлардан оз-оздан ейишлари мумкин. Ошқозонда бироз оғирлик сезилса, дори ичишга шошилмаслик керак, балки анор шарбати ёки анорнинг ўзини истеъмол қилганлари маъқул. Янги ивтилган қатиқ, қирғичдан ўтказилган турп ҳазмга ёрдам беради. Бундан ташқари, худди шундай хусусиятга эга бўлган шифобахш ўтлардан дамламалар ичиш мумкин. Бордию, кексаларда ва болаларда байрам таомлари истеъмолдан кейин оғриқ пайдо бўлса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш лозим.

Болаларга газланган ичимликларни имкон қадар бермаслик лозим. Айниқса, аллергияга мойил бўлган кичкинтойларга фақат табиий шарбатларни ичирган маъқул.

Ҳомиладор аёлларда кўпинча ёғли ёки қаттиқ қовурилган кучли овқатдан сўнг жиғилдон қайнаши кузатилади. Уларга маслаҳат шукки, дамланган маккажўхори попуғи ёки мойчечак дамламаси овқат ҳазмида кўмакчи бўлади. Ҳазмини яхшилаш учун овқатдан кейин бир чой қошиқ олма сиркаси ара-лаштирилган ярим стакан илиқ сув (*агар суюқлик нордон бўлса, озгина асал қўшиб*) ёки чой ўрнига аллизнинг қурилганини дамлаб ичиш яхши натижа беради.

Тавсияларни бажаришда индидуаллиқни ҳисобга олган ҳолда, албатта, шифокор маслаҳатини олиш лозим.

Зиёфатдан сўнг, кўпчиликда меъда-ичак муаммолари бўлади. Яъни ошқозон кислотаси ортиши ёки камайиши ҳолатлари кузатилади. Агар кучли кислотали хусусиятга эга маҳсулотлар кўпроқ истеъмол қилинса, ошқозон-ичак тизими фаолияти ёмонлашади ва қон реакцияси кислотали томонга оғиб, юрак уриши тезлашади, ҳарорат кўтарилади, буйрақлар иши меъридан жадаллашади, одам безовта бўлади.

Ишқорий хусусиятга эга маҳсулотлар ейилганда ҳазм аъзолари иши енгиллашади, қон реакцияси меъёрга тушиб, киши ўзини яхши сезади. Демак, танадаги кислота-ли-ишқорли муҳитнинг меъёрий бўлиб туриши учун кўпроқ табиий маҳсулотлар (сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, мевалар ва қўқатлар) дан еб туриши керак.

Умуман, тўғри овқатланиш нафақат байрам кунлари, балки ҳамма вақтда бирдек муҳим. Бунга амалга қилганлар байрамни яхши кутиб олади ва бир умр саломат бўлади.

Барно ОДИЛОВА,
олий тоифали шифокор.

ТАВСИЯ

Таътил ёки байрамлар вақтида танамиз одатдаги ишчанлик кайфиятини йўқотади ва дам олишга, эрталаб кеч туришга, умуман, бошқа кун тартибига ўрганиб қолади. Ҳўш, бу вазиятда кундалик иш тартибига қандай қайтилади?

Ишчанлик кайфиятига қандай мослашмоқ керак?



Агар сиз саёхатдан, санаторийдан қайтсангиз...

Яхшиси, у ердан ишга чиқишдан 3 кун олдин қайтганингиз маъқул. 3 кун давомида йўл чарчоқларидан кейин ўзингизга келасиз ва шароитга мослашасиз. Иш тартибига аста-секин киришиш ва имкон қадар хафта ўртасида ишга чиқишни олдиндан режалаштиринг. Ўрганиш осон бўлиши учун ишга чиқишдан олдинги кунлар иложи борича ўз вақтида уйкуга ётиб, ўз вақтида туришга ҳаракат қилинг. Эрталабки сеvimли мусиқа ва мазали нонушта ҳам иш кунини яхши бошлашга ёрдам беради.

Байрамлардан кейин...

Кўтаринки байрам кайфиятидан меҳнат жараёнига ўтиш қийинроқ кечади. Аччиқ шоколад, банан, маврак (шалфей) дамламаси ва мултивитаминлар кайфиятини ва фаоллиқни кўтаришга ёрдам беради. Иш ҳажмини биринчи кундан эмас, балки кун сайин ошириб бординг. Ишдан қайтишда тоза ҳавода пиёда

юришга ҳаракат қилинг. Иш кунини стилингизни йиғиштиришдан бошласангиз, ишчанлик кайфиятини уйғотишга ёрдам беради. Дам олишдан кейинги бироз руҳий сиқилиш кайфияти — оддий ҳол ҳисобланади. Агар бу ҳолат давом этаверса ухлашдан олдин шифобахш ўтлардан тайёрланган тинчлантирувчи чой ёки қайнатма ичинг.

Ушбу сондаги барча мақолалар матинини мусаххих Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

ҲИДОЯТ САРИ

ҲАДЯ ҚИЛИНГАН СОВҒАНИ СОТИШ ЖОИЗМИ?

Сухроб АЛИХОНОВ.
Тошкент шахри.

— *Менинг китоб дўконим бор. Ноширлар бизга баъзи китобларни намуна сифатида бепул беришади. Ушбу китобларни сотишим мумкинми?*



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Нашриётлар сизга намуна сифатида бепул китоблар тақдим этганида, агар улар бу китобларни сизга ҳадя, совға, деб беришса, у сизники бўлади ва уни хоҳлагандек ишлатиш мумкин бўлади. Ўқиниш ҳам, бировга ҳадя қилишингиз ҳам, сотишингиз ҳам мумкин.

Лекин агар буни “харидорларга кўрсатиш, таъништириш учун берамиз, кейин қайтариб берасиз”, дейишса, бу ҳолатда уларнинг мулк ҳисобланиб, сизга вақтинчалик фойдаланишга берган бўлади. Уни сотиш ёки ҳадя қилиш жоиз бўлмайд.

1. Нафас олиш машқи. Бу машқ миёна кислород билан тўйинтиради:

4 сония бурун орқали чуқур нафас олинг; 7 сония давомида нафасни ушлаб туринг; 8 сония оғиз орқали секин чиқаринг. Бунни 3-4 марта такрорланг.

2. Бўйин ва елка машқлари. Компьютерда кўп ўтирганда елка ва бўйин котиб қолади. Ундан халос бўлиш учун бўйинни айлантиринг, дастлаб бошни секинлик билан ўнгга ва чапга беш мартадан буриг. Елкаларни қулоқларгача кўтаринг ва кескин тушинг (10 марта). Кўллари орқага қайиринг, кўкрак қафасини олдинга итаринг.

3. Кўзлар учун гимнастика. Мониторга қараб чарчаган кўзларни дам олдириш учун кўзларни юмиб, соат миля бўйлаб ва унга қарши айлантиринг. Ҳар 20 дақиқада 6 метр

узочликдаги буюмга 20 сония давомида қараб туринг.

4. Фаол ҳаракатлар. Қонни ҳаракатга келтириш учун бир жойда туриб юринг, тиззаларни баланд кўтарган ҳолда 1 дақиқа давомида тез қадам ташланг. Оёқ учиде туриб, товонларни ерга уринг (бу лимфа тизимини уйғотади). Кўллари тепага чўзиб, худди шифтга етмоқчидек ҳаракат қилинг.

5. Сув ичиш. Баъзан чарчокнинг сабаби сувсизланиш бўлади. Бир стакан илиқ сув ичиш моддалар алмашинуви тизлаштирад ва тетиклик беради.

“Маҳалла еттилиги” ва кўллари йиғинларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда, албатта, аҳолини тетиклаштириш машқларига жалб қилиш керак. Бу танани уйғотиш, энергия бағишлаш ва ақлий фаоллиқни оширишга ёрдам беради. Эрталабки енгил жисмоний ҳаракатлар (асаб тизимини фаоллаштирад), очик ҳавода сайр қилиш (қон айланишини яхшилаб, кўзга фойда беради) бу ҳолатда катта аҳамият касб этади. Бу машғулотларни кундалик ҳаётга кириштириш орқали сиз ўзингизни кун давомида тетик ва энергияга тўла ҳис қиласиз.



Саҳифани “Маҳалла” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
10 820 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1220

